



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БҲЙРУҒИ

### ШНҚ 1.03.01-16 “Корхона, бино ва иншоотларни капитал қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқилиши, маъқулланиши ва тасдиқланиши тартиби” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 августдаги ПҚ–346-сон “Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. ШНҚ 1.03.01-16 “Корхона, бино ва иншоотларни капитал қурилиши лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқилиши, келишилиши ва тасдиқланиши тартиби” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 4-илоvasи “Умумий тушунтириш матни” параграфи қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“кўп квартирали уйлардаги тураржойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган (нотурар) жойлар, умумий мол-мулк (умумий жойлар) рўйхати;

ҳар бир кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси (режаси, жойлашган объектлар, шу жумладан лойиҳада назарда тутилган автотураргоҳлар, болалар ва спорт майдончалари, дам олиш масканлари, сайилгоҳлар, йўлаклар ва кўп квартирали уйга хизмат кўрсатувчи бошқа объектлар) майдони ҳамда чегаралари тўғрисидаги маълумотлар.”.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ 2022 йил 1 ноябрдан эътиборан кучга киради.

**Қурилиш вазири**

Тошкент ш.  
2022 йил 15 сентябрь,  
161 сон



**Zakirov B. I.**

Келишилди:

**Direktor**

Тошкент ш.  
2022 йил 14 сентябрь,

**Вазир**

Тошкент ш.  
2022 йил 12 сентябрь,



**Pulatov F. J.**

**Хидоятов Ш. С.**